*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# ҚОНУНЛАР—

## фуқароларнинг ҳуқуқлари демак



**_Икки сессия оралиғи Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари фаолиятида қизғин иш палласи ҳисобланади. Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасида шу даврда қандай ишлар амалга оширилди? Ушбу қўмита раиси Машкура САФАЕВА бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:_**

— Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида Президентимиз И.А.Каримов фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кейинги босқичи асосий вазифалари, принциплари ва устуворликларини белгилаб бердилар. Юртбошимизнинг маърузалари асосида дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис томонидан қарор қабул қилинди ва унга биноан ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи устувор йўналишлар бўйича кичик комиссияларга бўлиниб, иш олиб борди.

Сессиядан кейин ушбу кичик комиссиялар мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичи устуворликларини амалга ошириш бўйича Парламент олиб борадиган ишлар юзасидан концепциялар ишлаб чиқишга киришди. Еттинчи устувор йўналиш бўйича тузилган кичик комиссия мамлакатимиздаги барча ислоҳотларнинг бош йўналиши самарадорлиги натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонига қаратилган кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш учун қонунчилик базасини яратиш бўйича фаолият юритмоқда. Ушбу концепциянинг асосий мақсади ҳам мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, жумладан фуқаролар соғлиғини сақлаш, уларнинг ижтимоий таъминоти, фан, таълим, маънавият ва маърифат соҳаларига оид мавжуд қонунларни такомиллаштириш, шунингдек аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни юқори даражага кўтариш, жамият тубдан янгиланаётган бир вақтда интеллектуал салоҳиятга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қонунлар яратишдан иборатдир. Шунга кўра қўмитамиз томонидан такомиллаштирилиши зарур бўлган қонунлар, шунингдек қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Жумладан, айни кунда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини такомиллаштириш, шунингдек «Тузларни йодлаш тўғрисида»ги, «Қизил Хоч ва Қизил ярим ой тимсолларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда қатор бошқа қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Олий Мажлиснинг навбатдаги X сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига биноан қўмитамизда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақида таклиф тайёрланди. Шунингдек, бошқа қўмиталар томонидан тайёрланган қонунлар лойиҳалари ҳам ўрганилиб, муҳокама қилинди, улар бўйича маълум таклиф ва фикрлар билдирилди.

Қонунлар — фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Қонунлар ижросини таъминлаш фуқароларимиз манфаатларини ҳимоялаш демакдир. Шунинг учун ҳам икки сессия оралиғида қўмитамиз назорат-таҳлил фаолиятини ҳам доимий олиб борди. Жумладан депутатлар ва мутахассислардан тузилган ишчи гуруҳи Наманган вилоятида бўлиб, фуқаролар соғлиғини сақлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг кексаларга нисбатан ижро этилишини ўрганди. Унинг натижалари қўмита йиғилишида муҳокама қилинди.

Аниқландики, вилоятда кексаларнинг соғлиғини сақлаш ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилган. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимига маҳаллий ҳокимият томонидан бу йил 12 миллиард 479 миллион 400 минг сўм, қарияларни қадрлаш йили муносабати билан эса 24700000 сўм маблағ ажратилиб, шу маблағлар ҳисобидан 98 нафар қарияга 2 342521 сўмлик тиш протезлари бепул қўйилган, 102 қарияга эса кўзойнаклар олиб берилган. 1234 нафар қария турли сиҳатгоҳларда даволанган.

Вилоятда бу борада ютуқлар билан бир қаторда, маълум камчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан вилоятдаги айрим туманларда қарияларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари юзаки олиб борилган. Туман соғлиқни сақлаш бўлимлари бу борада тадбир ишлаб чиқишмаган. Жумладан жадваллар тузилмаган, зарур текширувлар ўтказилмаган. Баъзи хаста фуқаролар соғломлаштирилмаган, уларга назорат картаси тўлдирилмаган. Бу ҳолатлар мутасадди ходимлар томонидан баъзи фуқароларга имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишлари учун имкон берилмаганлигидан далолат беради. Дорихоналардан имтиёзли берилган дорилар учун маблағлар ўз вақтида молиялаштирилмаётганлиги сабабли бепул дори-дармон олувчиларга хизмат кўрсатиш масаласи қониқарли эмас. Қишлоқ врачлик пунктларининг ҳаммаси ҳам ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаган. Қўмитамиз йиғилиш якуни бўйича тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилди. У тегишли ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар ва муассасаларга юборилди.

Олий Мажлис томонидан тузилган ишчи гуруҳи яқин кунларда Бухоро вилоятида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини текширишни режалаштиряпти. Бу масала ўрганилганидан сўнг навбатдаги қўмита йиғилишида муҳокама қилинади. Яқинда Олий Мажлис Кенгаши қарори билан тасдиқланган қўшимча тадбирлар режасига мувофиқ қўмитамиз томонидан «Кекса авлоднинг жамият ва оиладаги роли ҳамда ёшларни тарбиялашда улар фаолиятининг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида ёшларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда қарияларимизнинг роли ва ўрни беқиёслиги, уларнинг оилаларда тинчлик ва тотувликка, жамиятимизда барқарорлик муҳитини шакллантиришга қўшаётган муносиб ҳиссалари ҳақида гапирилди. Давра суҳбатида ҳаётий тажрибага эга инсонлардан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш, халқимизнинг қарияларга эҳтиром борасидаги асрлар давомидаги меросини йиғиб, тартибга солиш, уни бугунимизга яратиш тўғрисида фикрлар билдирилди. Тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўмитамиз томонидан олиб борилаётган ишлар жамиятимизни демократлаштириш, янгилаш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларимизни юқори босқичга кўтаришда, фуқароларимизнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишда маълум ҳисса бўлиб қўшилса айни муддаодир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

## ҳаёт мезони

**_Мухбиримиз Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. ТУРСУНОВдан мазкур қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ҳақида гапириб беришни сўради._**

— Умуман олганда, қонунлар ҳаёт мезони, жамиятнинг ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳимоялаб турувчи қўрғондир, — деди қўмита раиси гап аввалида. — Ана шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда ҳар қайси соҳа, тармоқ, ёхуд тизим қонунлар билан мустаҳкамланган.

Маълумки, навбатдаги сессия муҳокамасига бир қатор масалалар киритилиши назарда тутилмоқда. Қўмитамиз аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Фармойиши билан тузилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ишчи гуруҳ таркибида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Сенати тўғрисидаги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этишди.

Қўмита қошида тузилган ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига чақирувни ҳамда фуқароларнинг ҳарбий ва муқобил хизматларини ўташни такомиллаштириш Концепцияси лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда), «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширяпмиз. Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш мақсадида Фарғона вилоятида «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ўрганилди. Бундан ташқари Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан ҳамкорликда «Ҳаво кемалари хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар билан кураш олиб бориш тўғрисида»ги Халқаро Конвенция талабларига мутасадди идора-муассаса, ташкилотлар томонидан қандай риоя этилаётганлиги масалалари ўрганиб чиқилиб қўмиталарнинг қўшма йиғилиши муҳокамасига киритилди.

Шу давр ичида қўмита томонидан тегишли тарғибот, ташвиқот ва услубий ишлар амалга оширилди. Жойларда конференция, семинар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, Самарқанд Давлат Университетида, Тошкент вилояти Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Барқарорлик ва хавфсизлик» мавзусида анжуманлар ўтказилди.

Оммавий ахборот воситаларида қўмита фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар моҳияти, навбатдаги сессия муҳокамасига киритилган масалалар тўғрисида чиқишлар қилинмоқда. Қўмита томонидан фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ўрганилмоқда. Бу борада Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.**

---

Ёшлар даврасида

*Болаликда сингдирилган билим, берилган таълим-тарбия киши ҳаётида бир умр асқотиши, табиий. Шу боис ҳам ҳаётимизнинг Асосий Қонунини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиш юзасидан бугунги кунда боғча, мактаб, олий таълим тизимидаги билим даргоҳларида алоҳида дастурлар асосида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ёш авлод онгига етказиш, унинг ҳуқуқий тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш мақсадида олий таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари ўқитилмоқда.*

*Куни кеча бўлажак ҳуқуқшунос, қонуншунослар — Тошкент давлат юридик институти талабалари даврасида бўлдик. Тўғри, улар эгаллайдиган мутахассислик Конституцияни ўрганиш, билиш зарурлигини тақозо этади. Лекин кишини қувонтирадиган ери шундаки, бу талабалар нафақат Асосий Қонунимизни ўрганишяпти, балки уни ўргатишни ташкил қилиш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти.*




# Тилаклари тоза, фикрлари эркин

**Муродилла АБДУҲАКИМОВ, иккинчи ҳуқуқ факультети 4-курс талабаси:**

— Конституциявий ҳуқуқ фани бизга алоҳида фан сифатида аслида биринчи курсдан бошлаб ўқитилади. Унда Асосий Қонунимиз тўғрисидаги дастлабки тушунчалар билан танишамиз. Кейинги йили эса хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи фани ўтилади.

Юртимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига алоҳида эътибор берилган. Бозор муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган эркин тадбиркорликка кенг йўл очилган. Асосий Қонунимизда "Оила" деб номланган алоҳида боб мавжуд. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон манфаати, халқ манфаати ҳар нарсадан устун қўйилган. Унинг инсонпарварлиги ҳам шунда.

**Олимжон ҲАҚҚУЛОВ, биринчи ҳуқуқ факультети 2-курс талабаси:**

— Конституциямизни ўрганиш асносида мен бир нарсани кўп кузатаман. Айрим ҳолларда юқори ташкилотларда ҳам Асосий Қонунимизни ўрганишни ташкил этишга эътиборсизлик билан қарашади. Бундай юзакичилик мамлакатимиз равнақига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман. Чунки ўз номи билан Асосий Қонунимиз бўлганидан кейин ҳаётимизнинг барча жабҳаларида унга амал қилишга интилишимиз керак. Уни ўқиб ўрганишимиз, тушунишимиз, ҳуқуқий билимимизни оширишимиз лозим бўлади. Агар Конституцияни боғчадан бошлаб ўргатиш амалга оширилса, оилада, мактабда, олий ўқув юртларида узлуксиз, мунтазам давом эттирилса, аста-секин кўникма ҳосил бўлиши шубҳасиз. Зеро, ниятимиз келажакда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш экан, Конституцияни албатта ўрганишимиз лозим.

**Жаҳонгир МУТАЛИБОВ, биринчи ҳуқуқ факультети 2-курс талабаси:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мен дастлаб тўққизинчи синфдалигимда ўқиб чиққанман. Шунда қисқа, лўнда, тушунарли ифодаланган моддалар менга тез сингишган эди. Кейин уни олий ўқув юртида фан сифатида ўргана бошладик. Ва шунда "Ўз ҳуқуқи, бурчларини англаши учун ҳар бир инсон, албатта, Конституцияни билиши, унга амал қилиши ва мавжуд қонунларга мувофиқ иш кўриши керак", деган фикрга келдим.

Институтимиз талабалари Юнусобод туманидаги мактабларда бўлиб, ўқувчиларга Конституция асосида машғулотлар олиб боряптилар. Шунда ўқувчилар айниқса, тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб-асраш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳақидаги моддаларга алоҳида қизиқишаётгани сезилади. Турли ажойиб саволлар беришади. Демак, уларда Асосий Қонунни ўрганишга интилиш катта. Тарғибот-ташвиқот ишлари билан маҳаллаларда ҳам бўламиз. Лекин, афсуски, бу ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Шундай пайтларда ўйлаб қоламан: кўчаларда, метро бекатларида, ҳатто телевидениеда ҳам Конституциямиз моддалари ифодаланган плакатлар, телероликлар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан.

*...Талабалар билан суҳбатимиз яна анча давом этди. Уларнинг билими пухта, мушоҳадаси кенг, муҳими, эркин фикрлашади. Қани эди бугунги ёшларнинг барида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш юзасидан ана шундай эркин фикрлар бўлса, деган ўйга борасиз...*

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

# Профилактика инспектори

### нафақат аҳоли осойишталигини таъминлашда, балки фарзандлар тарбиясини баркамоллаштиришда ҳам маҳалланинг таянч кучига айланиб бормоқда

Кейинги йилларда Жиззах шаҳридаги деярли барча маҳаллаларда замонавий маҳалла гузарлари барпо этилди ҳисоб. Миллий услубда қурилган кўркам бинолар, чойхона, ошхона, халқ банки филиаллари, савдо дўконлари, почта-алоқа бўлимлари аҳоли хизматида. Тўй-томошаларнинг, юбилей тадбирларининг аксарияти гузарларда ўтаётир. Ёшлар билан турли учрашувлар, шахмат-шашка мусобақалари уюштириш тобора оммалашиб бормоқда.

Хуллас, маҳаллаларда ҳаёт қайнайди. Ишдан сўнг кўнгил ёзишни хоҳлаган, дам олиш кунларини мазмунли ўтказишни истаганлар гузарга ошиқишади.

Алишер Навоий маҳалласи Жиззах шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Маҳалла ҳудудида 3,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Неча ўнлаб ташкилот, корхоналар, марказий ўйингоҳ ҳам шу ерда. Маҳалла гузари кўк бозорга туташиб кетган. Рўпарада таъмирлаш заводи бўлса, ёнида дон комбинати. Демоқчиманки, келган-кетганнинг, маҳалла ҳудудидан ўтганнинг саноғи йўқ. Таассуфки, маҳалла нафақат шаҳарда, балки вилоятда намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади.

Хўш, бунга қандай эришилаяпти?

Бу ҳақда Алишер Навоий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фозилжон Бобомуродов шундай дейди: Бизда маҳалла посбони, профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишлашимиз учун зарур шароитлар яратилган. Маҳалламизда расман маош олиб ишлайдиган ўнта кўча оқсоқолларимиз ҳам бор. Улар ёрдамида маҳалламизнинг иссиқ-совуғидан, катта-кичик қувонч ва ташвишларидан хабардор бўлиб турамиз. Демоқчиманки, ҳар қандай кўнгилхираликнинг олдини олиш, юзага келган муаммоларга эътибор билан, жиддий ёндошиш ва имкониятларимиз етарли.

Кейинги йилларда маҳалламизда қўйди-чиқди йўқ. Тўғри, айрим хонадондаги ёш оилалар фарзандлари бўла туриб ажрашиш масаласини кўтаришганди. Ўшалар ҳатто 37 кун ажралиб яшашди ҳам. Юзага келган арзимас муаммоларга, ўзаро муносабатларга одилона ёндошилгани, оқсоқолларнинг панду насиҳатлари, яраштириш комиссиясининг фаол ҳаракати боис бир ёш оила сақлаб қолинди.

Ўтган йили маҳалладошларимиздан икки нафари кимларгадир қўшилиб, жамоат жойларида ичиб юриши ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Устига-устак яна иккиси қанча огоҳлантиришларга қарамасдан кўп ичишларини ташлашмади. Масалани фуқаролар йиғинида кўриб, ҳаммасини вилоят наркология диспансерида даволаш ҳақида келишдик. Баъзи яқинларининг эътирозларига қарамасдан жойлаштирдик ҳам. Рости, сал кечиккан ҳам эканмиз. Уч нафарини Тошкентда қайта даволатишга тўғри келди.

Фахрийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, таниқли инсонлар билан ўтказилаётган учрашувлар ёшлар тарбиясида муҳим рол ўйнаяпти.

Дарвоқе, ҳокимиятдагилар ҳам, ички ишлар бошқармасидаги мутасадди раҳбарлар ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳамда профилактика инспекторининг ҳамкорликдаги фаолиятини алоҳида таъкидлашди. Айнан мана шу самарали ҳамкорлик боис Алишер Навоий маҳалласида намунали тартиб ўрнатилганлиги, қатор тадбирлар ўтказилаётганини айтишди.

— Маҳалла профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ойбек Қаҳҳоров бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳеч муболағасиз, самарали ишлашимиз учун зарур шароитлар яратилган. Ҳудудимиздаги барча хонадонларни вақти-вақти билан айланиб чиқиш, фуқаролар билан суҳбатлашиш, уларнинг фикри-дардини тинглаш, зарур пайтда ёрдам, маслаҳат бериш имкониятларимиз бор. Маҳалла посбони Нодир Юсупов ўнг қўлим бўлса, кўча оқсоқоллари доимий маслаҳатгўйларим. Фуқаролар йиғини билан бамаслаҳат маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини кучайтириш мақсадида педагог-тарбиячи лавозимига олий маълумотли ўқитувчи жалб этилган. Малакали врач Асрор Мамасиддиқов яқин ҳамкоримиз. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, шундай жамоа билан баракали ишламай бўладими?

Турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маҳалла осойишталигини, тоза-озодалигини таъминлаш мақсадида уюштирган «Огоҳликка даъват», «Назорат», «Орият», «Тозалаш» каби тадбирларимиз кутганимиздан ҳам яхши ўтди. Маҳалла посбони тавсияси билан жамоат тартибини сақлаш ва милиция хизматига жалб этилаётган йигит-қизлар ишончимизни тўлиқ оқлаяпти. Шаҳар прокурори Б.Усмонов, ИИБ бошлиғининг ўринбосари М. Авалбоев, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси М.Каримова кабилар билан жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот мавзуидаги суҳбатлар, турли учрашув ва кечалар аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришимизга шароит туғдирмоқда. Одамлар орасидаги тарбияси оғир фуқаролар билан ишлашимизда қўл келаётир. Жазодан авф этилган 11 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаб, уларга кўча оқсоқолларини бириктиб қўйганмиз...

Ҳақиқатдан ҳам маҳалла фаолларининг профилактика инспектори билан ҳамкорликдаги фаолияти бошқалар ҳавас қилгудек.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ профилактика хизматининг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси йўлидаги талай ибратли ишлар, ташаббусларни кўрсатиш мумкин, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Дўстмурод Нормаматов. — Бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида посбонлар иштирокида аниқланган ҳуқуқбузарликлар анча кўп бўлди. Маҳалла посбонларининг ўзлари вилоят бўйича 21 та жиноятни фош этишди, 62 та жиноят улар ёрдамида очилди.

Вилоят ИИБ мавжуд 126 та таянч пунктларининг барчасида маҳалла посбонлари, яраштирув комиссиялари, педагог-тарбиячилар ва бошқа жамоатчилик фаоллари учун зарур шароитлар яратишда маҳаллий ҳокимият билан ёнма-ён иш олиб бораяпти. Спорт майдончалари қурилиши доимий эътиборда. Таянч пунктларида турли тўгараклар очиш, мусобақалар уюштириш анъанага айланиб бораётир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг таъкидлашича, шу кунларда маҳаллалар билан ҳамкорликда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан суҳбатлашилмоқда, улар билан ишлашга эътибор кучайтирилаяпти. Тунги гуруҳлар фаолиятини жонлантириш эвазига ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар аниқланмоқда.

Ўз навбатида профилактика инспекторларининг касбий маҳорати, жисмоний, жанговар тайёргарлигини яхшилаш мақсадида махсус ўқув машғулотлари кўзда тутилган. Бу каби тадбирлар маҳаллалар осойишталигини таъминлашга, маҳаллий раҳбарлар билан профилактика инспекторларининг ҳамкорликдаги фаолиятларини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Янги замон одамлари



*Бу ерда сотувчилар субҳидамни бостирмалари сигирга тўла фермада қаршилашади. Чунки улардан биронтаси ҳаяллагудай бўлса, сути елини учида турган говмишлар безовталана бошлайди. Эл уйқудан турган паллада эса уларнинг идишлари оппоқ сутга тўлган бўлади. Сўнгра кўп ўтмай, қуюқлигидан чойқошиқ зўрға ботадиган қаймоқ ва икки дона иссиқ нон дастурхондан ўрин олади.*

*Худди шу лаҳзаларда жилдираб оқаётган арикча устига ётқизилган, яъни кўприк вазифасини бажарувчи қувур ёнига бирин-кетин учта «Дамас» ва битта «Тико» келиб тўхтайди. Алпомиш келбатли йигитлар бу автоуловлардан чаққон тушадилар-да, илдам юриб бориб, Комилжон ота билан сўрашишади. Ота дуога қўл очади, мулойим нигоҳини мактаб болаларидай тизилиб ўтирган ўғилларига тикади.*

*— Кечадан бошлаб ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори йигирма литрга чиқди, — нонни қаймоққа ботиради Козимжон. — Бир куннинг ўзида саккиз юз литр сут топширдим.*

# «Аваз»нинг пойқадами

Комилжон отанинг кўзларида қувонч балқийди. Пиёладаги чойни ҳузурланиб ҳўплайди. Яйраб кетади. Армонлари ушалган, орзулари бўй кўрсатган одамгина терисига сиғмай қувонади. Ахир, у шундай кунларнинг келишини озмунча кутганмиди? Қаранг, бир бош говмиш йигирма литр сут берса-я! Айрим жамоаларда бу кўрсаткич бир-бир ярим литрга етса етиб, етмаса аро йўлда қолиб кетяптику! Демак, муваффақият дарвозалари ланг очилди. Бир йилда икки йиллик режани бемалол уддалаш имкони вужудга келди.

Козимжон — оиланинг тўнғичи. Бугунги кунда у — ўттиз тўрт йил машина бошқарган падари бузрукворининг ўнг қўли. «Аваз» фермер хўжалиги ташкил этилган дастлабки кунларданоқ ҳисоб-китоб ишларини ўз қўлига олган...

Ўшанда 1993 йилнинг баҳори эди. Комилжон ота бозордан тўққиз бош говмишни сотиб олиб, фермага етаклаб келганида, на бир боғ пичан ва на бир сиқим ем бор эди.

— Парваришлаймиз, кўпайтирамиз. Бутун мамлакатга наслли чорва моллари етказиб берадиган корхона соҳиби бўламиз, — деди Комилжон ота қулочини кенг ёйиб. — Булар эгиз-эгиз бузоқ берадиган сигирлар бўлади ҳали...

Лекин эти устихонига ёпишган сигирлар тўрт оёғида зўрға турар, бўлардан бўлмайдигани кўпроқ эди. Ота юзига тик қарай олмай, гапини икки қилолмай ўсган ўғиллар мўлтайиб турган қорамолларни чоғроқ оғилхонага олиб кирдилар. Уларни боғлашга ҳожат йўқ эди...

Инсон тафти тошни эритади, меҳри борлиқни яшнатади. Отанинг иккинчи ўғли Каримжон ана шу «швиқ» зотли говмишлар парвариши ила андармон бўлди. Қорамолларга эт битди. Улар кўпая бошлади. Маҳалладаги хотин-халажлар соғувчиликка, ёш-яланглар молбоқарликка келдилар.

Энди ҳар бир зотдор қорамол, бузоқ учун янада ширадор озуқа керак эди. Уларнинг маҳсулдорлиги емишга боғлиқ-да. «Сигирнинг сути тилида», деб бежиз айтишмайди. Шу боис Комилжон ота «Савай» хўжалиги раҳбарларига учраб, озуқа экинлари учун ер ажратиб беришларини сўради. Ота-ўғилларга эллик беш гектар ер ажратиб берилди.

— Ернинг тилини сиз яхши биласиз, — учинчи ўғли Шавкатбекка юзланди ота. — Унинг жавобгарлиги тўласинча сизнинг бўйнингизда. Билиб қўйинг, чорвамизнинг гуркураши асосан сизга боғлиқ. Хўжалик олдида, халқ олдида юзимизнинг ёруғ бўлиши ҳам.

«Кенгашли тўй тарқамас», дейдилар. Ўн тўрт гектар ерга буғдой уруғи сепилди. Йигирма уч гектар майдонни маккажўхори банд этди, қолганида беда ўстирилди. Омборлар донга, ўралар силосга, майдонлар беда ва силос ғарамига тўлди. Молхона-чи?..

Биз «Аваз» фермер хўжалиги босиб ўтган тўққиз йилдан ҳатлаб ўтиб, унинг ўнинчи йилдаги фаолиятига эътибор қаратдик. Пода 175 бош зотдор қорамол ҳисобига бойибди. Фермер хўжалиги наслчилик йўналишида хусусий завод мақомига эга бўлган мамлакатдаги ягона жамоага айланибди. Фермерлар парваришлаётган молларни харид қилиш учун талабгорлар эса нафақат Андижондан, балки Наманган, Бухоро, Фарғона, Тошкентдан ҳам ташриф буюрмоқдалар.

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтайлик. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-1999» танловида Комилжон Содиқов олиб борган новвос нафақат пойтахт, балки мамлакат бўйлаб овоза бўлиб кетди. Вазни 1200 килограмм тош босадиган ана шу сўқим «Туркистон» саройи олдида юзлаб, минглаб одамлар эътиборини ўзига қаратди.

— Уни рўза кунлари туғилгани учун «Рўзибой» деб номлаганмиз, — юзларига кулги ёйилади Шавкатбекнинг. — Бугун ўша «саёҳатчи» новвосимизнинг вазни бир ярим тоннага яқинлашиб қолди...

— Сир бўлмаса айтинг-чи, «Рўзибой»лардан яна борми?

— Бизда икки ёшли сўқим борки, вазни беш юз килодан асло кам эмас. Лекин уларни узоқ-яқиндан келганлар кўпайтириш учун олиб кетишаяпти. Яқинда ўн саккиз ойлик бўлган тўққиз бош ғунажин билан бир бош новвосни Бухорога жўнатдик. Йилига 30-35 бош наслли молни сотаяпмиз.

— Бундан ташқари, эллик беш бош сигиримиз бор, — суҳбатга кўр ташлайди Козимжон. — Ҳаммаси соғилади. Шартномага кўра, бу йил 130 тонна сут сотишимиз керак эди. 260 тонна сотдик. Икки ҳисса кўп. Йил охирига қадар яна олтмиш-етмиш тонна сут соғиб оламиз.

«Аваз» фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманининг қўшни Қирғизистонга туташ қишлоғига жойлашган. Бу қишлоқ мулкдорлари жуда қисқа вақт ичида шу қадар шуҳрат топади, довруғи достон бўлади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Ростдан ҳам, энг оғир, энг машаққатли тармоқлардан бири бўлган чорвачилик фермерларнинг қўлида шунчалик гуркураб ривожланиши, йил сайин миллионлаб сўм даромад келтириши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Ваҳоланки, биргина ўтган йили мулкдорлар наслли бузоқларни сотишдан ўн олти миллион, сутдан етти миллион сўм даромад олишди. Шундан ўн миллион сўми соф фойда!

Улар жорий йилда ўн тўрт гектар ерда буғдой ўстиришган эди. Гектар ҳисобига етмиш центнердан дон етиштирдилар. Шартномага кўра, унинг қарийб йигирма тоннаси ўзларига қолди. Соғувчиларга уч юз, молбоқарларга эса юз килодан бепул дон тарқатилди. «Аваз»чилар айримларга ўхшаб сомонни ҳам ёқиб юбормадилар. Аксинча, беш минг дона сомон тойини қиш учун ғамлаб қўйдилар. 28 гектар майдондаги беда беш марта ўриб олинди. Маккажўхоридан минг тонна силос тайёрланди. Буғдойдан бўшаган майдонларга экилган маккажўхори ҳосили ҳам бисёр бўлди.

Одамлар борки, пули кўпайгудай бўлса, шоҳона уйлар қуришни бошлаб юборади. «Иномарка» машиналарга кўнгли суст кетади. Ўзи учун яшай бошлайди. Комилжон ота ва унинг ўғиллари эса бу йўлдан бормадилар. Аввал 2 та ҳайдов трактори сотиб олдилар. Кейин уларга «Т-28» трактори қўшилди. Ўшанда ота тўртинчи ўғли Шарифжонни ёнига чорлади.

— Биламан, техникага суягингиз йўқ, — деди у. —Тракторнинг товушини эшитгудай бўлсангиз, елкангиз учиб туради. Энди уларга ўзингиз эгалик қиласиз, маъқулми?

Шарифжон бир зумда қўш-қўш агрегатлар соҳибига айланди. Уларни артиб-мойлаб ярқиратди. Техника билан тиллаша биладиган Баҳромжон сингари тенгқурларини ёнига олди. Орадан кўп вақт ўтмай, чоғроққина гаражга «Белорусь» трактори ҳам кириб келди. Қулочни кенг олган, ҳам энига, ҳам бўйига ўсаётган «Аваз» учун яна юк машинаси ҳам сув билан ҳаводай зарур эди. «КамАЗ» харид қилинди. Бугун бу тракторлар ҳам туман далаларида гуриллаб ишлаётир. Машиналар эса мамлакатимизнинг турли сарҳадларига елдек учмоқда.

Одамлар борки, савоб ишга қўл урмоқликни ўзлари учун саодат деб биладилар. Ўзгаларга ёрдами, нафи текканидан кўнгли кўтарилади. Комилжон ота ҳам ўшандай саховатпеша, қалбида эзгулик уруғи унган кишилардан. Молбоқар Мухторжон ака, соғувчилардан Момохон, Ўғилхон аяларнинг шартнома асосида ўқиётган фарзандларини Комилжон ота пул билан таъминлаяпти. Қишлоқдаги иккита мактаб биносини таъмирлаш, кўплаб ўқувчиларга дарсликлар олиб бериш ҳам ота ва ўғиллар зиммасида.

Ҳар ойнинг йигирма тўртинчи санасида 28 киши учун ош дамланади. Паловхонтўра еб бўлингач, қовун сўйилади, «95»дан «раиси чой» дамланади. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, ишловчиларга маош тарқатилади. Кейин янги режалар тузилади, маслаҳатга тўн кийдирилади.

— Хўжалигимиз фаолияти билан танишгани Исроил, Франция, Америка, Голландиядан фермерлар, экспертлар келиб кетишди, — кўнглида ғурур булоқланади отанинг. — Улар ишимизга холис баҳо беришди, керак бўлса, тажрибаларимизниям ўрганишди. — Сўнгра у яна ўғилларига мурожаат қилади. — Хўжалигимиз қошида бўрдоқичилик корхонаси ташкил этсак, дейман. Боқувга қирқ бош бузоқ қўйсак. Ахир ем-хашагимиз, энг муҳими, чорвамиз етарли, ишловчилар кўп. Сизлар нима дейсизлар?

Чеҳраларга офтоб шуъласи қўнгандай бўлади. Кўзлар шодланади. Дастурхон атрофида ўтирганлар бир-бирларига маъноли қарашади. Уларнинг нигоҳларидан «Оббо, ота-ей, меҳнатнинг таги роҳат, дейсиз-да... Демак, «Аваз»нинг имкониятлари яна ҳам кенгаяди, иқтисодий қудрати мустаҳкамланади, ёшларнинг кўпчилиги ишли бўлади», деган фикрни уқиб олиш қийин эмас эди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги аср таълими: изланиш ва самара

*Институтга турли йилларда фаолият кўрсатган фахрийлар таклиф этилди. Улар орасида олимлар, ўқитувчилар, оддий хизматчилар ҳам бор эди. Меҳмонлар кафедралар, ўқув хоналарининг жиҳозланиши, таълим муассасасининг моддий-техника ва ахборот базаси билан танишдилар. Ўқитувчилар, талабалар билан суҳбатлашдилар. «Икки авлод учрашуви» тадбирида қатнашиб, яна суҳбатни бир пиёла чой атрофида давом эттирдилар.*

# Бугунги кун талабларига ҳамоҳанг

Ўша куни қариялар ўзларининг собиқ ишхоналаридан ниҳоятда мамнун қайтишди. Бу мамнунлик боиси фақатгина уларни йўқлашда эмасди. Асосийси, институтдаги ўзгаришлардан кўнгил тўлганди. Бакалаврлар ва магистрларнинг ўзбекчаю инглизчада дона-дона сўзлашлари, компютерда турли дастурларда ишлашларидан қувонишди.

— Бизнинг давримизда алмисоқдан қолган ўқув қуроллари билан машғулотлар ўтиларди, дарсликлар, айниқса, ўзбек тилидаги қўлланмалар етишмасди, — дейди улар. — Энди-чи? Ҳаммаси замонавий. Бир пайтлар эртак эди, булар. Мустақиллигимиз ҳаётимизни шунчалик ўзгартириб юборди. Талабаларимизнинг бундай ғамхўрликка жавоби албатта фақат ўқиш, билимини ошириш бўлиши керак.

Фахрийлар таъкидлаганидек, кейинги йилларда Самарқанд кооператив институтида таълим жараёнини замонавий даражага кўтариш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Институт қошида 2 та лицей, бизнес- мактаб, халқаро менежментга ўқитиш маркази, кичик бизнес учун мутахассислар тайёрловчи инновацион марказ фаолият кўрсата бошлади.

Компьютер таъминоти бўйича институт бошқа олий ўқув юртлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Республика бўйича ҳар 23 нафар талабага 1 та компьютер тўғри келаётган бир пайтда, бу ердаги ҳар саккиз нафар талаба битта компьютердан фойдаланмоқда.

Ахборот технологиялари ҳамда халқаро менежментга ўқитиш марказида 2 та интернет синфи ташкил этилгани талабаларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам ўз устларида доимий ишлашларига хизмат қиляпти. Ахборот технологиялари марказида эса ягона автоматлаштирилган бошқарув тизими ишлаб турибди. Халқаро гуманитар жамғармаси «ЁНГРАГ» томонидан ташкил этилган махсус ўқув хонасида профессор-ўқитувчилар ва ишчи ходимлар компьютер оламига чуқурроқ кириб боришади. Бунда уларга Сеул университети профессорлари доимий кўмак беришяпти.

Дарвоқе, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашнинг давом эттирилиши, ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаши, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришнинг амалга оширилиши бугуннинг энг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Институтда эса бажарилаётган ишлар айнан шу талаблар даражасида. Таълим муассасаси махсус тайёрланган малакали кадрлар билан тўлдирилган. Ҳозиргача 5 та ихтисослик бўйича аспирантура орқали илмий-педагогик кадрлар тайёрланарди. 2001 йилдан эса 6 та мутахассислик бўйича магистратурага талабалар қабул қилина бошланди.

— Ҳомийлар ёрдами ва турли жамғармалар грантлари моддий-техника таъминоти ва ўқув-тарбия сифатини юқори кўтаришда ёрдам беряпти, — дейди институт ректори, иқтисод фанлари доктори Акбарали Жабриев. — Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳомийлардан 20 миллион сўмлик ҳар хил кўринишдаги маблағлар жалб этилди. Буларнинг ёрдами ҳисобига немис ва инглиз тиллари хоналари таъмирланди. Индонезия элчихонаси ёрдамида «Индонезия» маркази ишга туширилди. «Парвина» компанияси янги ўқув хоналарни таъмирлаб берди.

Ректор айтганидек, институтда турли жамғармалар грантларидан самарали фойдаланиляпти. Масалан, Евро-Осиё жамғармаси гранти билан 4,5 минг АҚШ долларига мутахассисликлар бўйича ўқув адабиётлари харид қилинди. 500 АҚШ долларига Россияда чоп этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар олинди.

2001-2002 ўқув йилида талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида кутубхона 32 турдаги 3370 нусха адабиёт билан бойитилди. Жумладан, «Образовательная Cete ed Net Carama» лойиҳасининг гранти бўйича 1000 АҚШ доллари миқдоридаги иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги фанлар бўйича адабиётлар сотиб олинди. Институтда республика миқёсидаги ва халқаро грантларни қўлга киритиш, илмий ўқув ва ўқув услубий ишлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш борасида ҳам бир қанча натижаларга эришиляпти.

Институтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш юзасидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилган. Айниқса, хориж олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма факультетлар, филиаллар ташкил қилиш ва шу асосда «Умид» ва «Устоз» жамғармалари орқали ўқиб келган мутахассисларни ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масофадан ўқитишни таъминлаш, иқтидорли талабалар билан якка ҳолда ишлашни такомиллаштириш, ахборотлар фондини давр талаблари даражасига кўтариш ҳам жамоанинг энг муҳим вазифаларига айланган. Олий ўқув юртида илм-фан ривожи борасида қилинаётган ишлар бугунги кун талабаларига ҳамоҳангдир. Бу ҳамоҳанглик эса яхши натижалар бериши, табиий.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Оқ уйнинг яна бир мулозими

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакатда миллий хавфсизлик вазирлигини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди.




«Биз бу билан янги аср таҳдидларидан мамлакатимиз мудофааси ва ўз фуқароларимиз хавфсизлигини сақлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташладик», — дея таъкидлади Оқ уй раҳбари. Хабарларга қараганда, 170 минг нафар ходим фаолият кўрсатажак вазирлик раҳбари этиб Том Рижа, унинг ўринбосари этиб эса Гордон Ингланд тайинланган, деб хабар беради Интерфакс агентлиги.

## Энг мақбул йўл

Россия мудофаа вазири Сергей Иванов мамлакат қуролли кучлари таркиби шу йилнинг охиригача анчагина қисқартилишини маълум қилди. Вазирнинг айтишича,



бу қарор мамлакат ҳарбий ислоҳотлари йўлида энг муҳим ва энг мақбул йўлдир. Кеча Россия президенти Владимир Путин эса ҳарбий иқтисодчиларга мамлакат мудофаа соҳаси учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни жиддий назорат қилиш кераклиги ҳақида топшириқ берди, деб хабарлайди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

## Йорк Хайдер истеъфога чиқмоқчи

Кеча Австрия Озодлик партияси етакчиси Й.Хайдер истеъфога чиқишини маълум қилди. Лента.ру агентлигининг хабар беришича, таниқли сиёсатчининг айни қарорига мамлакатда ўтказилган парламент сайловлари натижаси сабаб бўлган.




Чунки, ушбу сиёсий тадбирда Й.Хайдер етакчилигидаги партия мағлубиятга учраган эди. Бундан уч кун олдин ўтказилган сайловда консерватив руҳдаги Австрия халқ партияси (АХП) вакиллари ишончли ғалабани қўлга киритди. Улар жами сайловчиларнинг 42,27 фоиз овозини олишга муваффақ бўлишди. 36,90 фоиз овоз тўплаган социал-демократлар эса иккинчи ўринни банд этишди. Айни пайтда Австрияда янги ҳукуматни шакллантириш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилди.

## Кемалар ҳалокати экологик фожеа

Сўнгги кунларда дунёда юк кемаларининг ҳалокати узлуксиз давом этаёт-




ганлиги жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Яқинда Испания соҳилида «Пресстиж», Сянганда «Газ Поэм», Бохай қўлтиғида Малта танкерларининг ҳалокатга учраши катта экологик фожеага сабаб бўлган эди. Рейтер ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, 3885 машинани ўз ичига олган юк кемаси ҳам Япония соҳилида ҳалокатга учраган.

Кузатувчилар бундай ҳалокатлар оқибатида атроф-муҳитга зарар етаётганлигини таъкидлашмоқда.

## Янги президентнинг режалари

Эквадорда президент сайловлари ўз ниҳоясига етди, деб хабар беради Би-би-си. Сайловнинг иккинчи босқичидаги кураш истеъфодаги ҳарбий полковник Лусио Гутеррес ва мултимиллионер Алваро Нобоа ўртасида кечди. Сўнгги хабарларда айтилишича, Л.Гутерресни сайловда иштирок этганларнинг 55 фоизи ёқлаб овоз берган. Келаси йилнинг январь ойидан ўз фаолиятини бошлайдиган Л.Гутерреснинг маълум қилишича, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг асосий йўналишини ташкил қилади. Шунингдек, Эквадорда нефть қазиб олишни кўпайтириш учун чет эл сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор берилади. Хабарларга қараганда, янги президентнинг янги режалари ҳозирнинг ўзидаёқ катта қизиқиш уйғотмоқда.

2002 йил Карияларни қадрлаш йили

# Эътибор отлиғ олтин

Қарияларни қадрлаш азалдан элимизнинг анъанаси бўлиб келган. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ва бу юзасидан қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифалар амалга оширилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу борада Қорақалпоғистонда ҳам арзийдиган ишлар қилинди. Нукус шаҳри, туман марказлари, овул ҳамда маҳаллаларда, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида учрашувлар, турли тадбирлар ўтказилди. Уларда жами 37032 нафар уруш ва меҳнат фахрийси иштирок этди. Мазкур тадбирларга 31 миллион сўм, шу жумладан, жамғармамиз ҳисобидан 1,8 миллион сўм сарфланди. Ҳомийларимиз 29 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатишди.

Жорий йилнинг иккинчи чораги ҳам қизғин учрашувлар, эсда қоларлик тадбирлар билан ўтди. Шу чоракда 52 нафар фахрийнинг шифохоналарда, 136 нафар фахрийнинг санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлашига шарт-шароит яратиб берилди. 5 нафар фахрийга ногиронлар аравачаси, 4 нафарига эшитиш мосламаси совға қилдик.

Албатта, биз ишларимизни ёлғиз ўзимиз ташкил этаётганимиз йўқ. Бутун жамоатчилик бу борада бизни қўллаб-қувватламоқда. Қорақалпоғистон Республикаси марказий кутубхонасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан китобхонлар анжумани ўтказилди.

Жамғармамиз Қорақалпоғистондаги бир қанча ижодий ташкилотлар, шу жумладан, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Қарияларимиз — ифтихоримиз” рукни остида танлов эълон қилдик. Шу танлов боис фахрийларимиз тўғрисида қатор публицистик асарлар ёзилди.

Фаолиятимизни яхшилашда эл олдида катта обрў-эътибор қозонган фахрийларимиз кўмаклашмоқдалар. Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзов “Нуроний” жамғармаси Нукус туман бўлими ҳузурида ажойиб боғ яратди. Умуман олганда, жорий йил баҳорида 850 нафар уруш ва меҳнат фахрийси 89462 туп манзарали, 141900 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, боғлар ташкил этаяптилар.

Шу йилнинг 6 ойи давомида 752 нафар фахрийга 2,2 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Албатта, бундай ғамхўрлик кўрсатиш учун моддий аҳволимиз яхши бўлиши керак. Маблағ топишни эса қонуний йўлга қўйганмиз, жамғарма бўлими ҳузурида 15 корхона, 12 фермер хўжалиги, 1 масъулияти чекланган жамият фаолият кўрсатмоқда. Улар ярим йилда 82 миллион сўм маблағ топдилар.

Қарияларни қадрлаш Давлат дастурига кўра Қорақалпоғистоннинг Тахиатош шаҳрида қариялар учун махсус санаторий фойдаланишга топширилди. 9 ойда 446 нафар қария Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига, мамлакатимизнинг бошқа эътиборли жойларига бепул саёҳатга бориб келдилар. “Экосан” жамғармасининг махсус “Саломатлик-поезди қарияларимизга аниқ йўналтирилган тиббий ёрдам берди. Биргина Элликқалъа туманида 10 тонна буғдой қарияларга бепул тарқатилди.

Қилинажак ишлар кўп. Энг муҳими, қарияларимиз ҳукуматимиз, халқимиз эътиборидан баҳраманд бўлмоқда. Бу эътиборни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

**Жалол МУЯТДИНОВ,**
**“Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 26 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 517,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1448,85 |
| 1 Дания кронаси | 123,23 |
| 1 БАА дирхами | 250,49 |
| 1 АҚШ доллари | 920,02 |
| 1 Миср фунти | 200,88 |
| 1 Исландия кронаси | 10,65 |
| 1 Канада доллари | 583,07 |
| 1 Хитой юани | 111,15 |
| 1 Малайзия ринггити | 242,14 |
| 1 Польша злотийси | 233,63 |
| 1 СДР | 1224,14 |
| 1000 Туркия лираси | 0,58 |
| 1 Швейцария франки | 621,34 |
| 1 ЕВРО | 914,50 |
| 10 Жанубий Корея вони | 7,58 |
| 10 Япония иенаси | 74,99 |
| 1 Россия рубли | 28,91 |
| 1 Украина гривнаси | 172,60 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Карманалик қандолатчилар

Юртимизнинг кўҳна шаҳарларидан бири — Кармана аҳолиси азалдан қандолатчилик билан шуғулланиб келади. Ҳозир ҳам бу ерда кўплаб қандолатчилар сулоласи мавжуд. Шуни назарда тутиб, «Карманангон» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти янги қандолат цехини ишга туширди. Айни кунларда ушбу цехда турли-туман, бирбиридан мазали қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, ишчилар нон ва макарон маҳсулотлари ҳам тайёрламоқдалар.



**СУРАТДА:** ***цех маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Кўргазма учун 1 миллион иена

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Бадиий академияси Япония жамғармаси маданият департаменти ижрочи директори Масахико Нородан хушхабар олди. Унда ушбу молиявий ташкилот 2002 йилнинг декабрь ойида Тошкентда “Икуо Хираяма Буюк ипак йўлида” кўргазмасини ўтказиш учун 1 миллион иена миқдорида грант ажратгани тўғрисида хабар берилганди. Ушбу тадбирни ўтказишга ҳам саноқли кунлар қолди.

Япониянинг машҳур мўйқалам устаси, сайёҳ-тадқиқотчи ва жамоат арбоби, Токио Санъат ва мусиқа илмий университетида таҳсил олган Икуо Хираяманинг 50 та тасвирий санъат асари жамланган шахсий кўргазмаси 11 декабрда Тошкентда очилади.

Ҳозирда мазкур олий ўқув юрти президенти И.Хираяма жаноблари ушбу кўргазма ва Ўзбекистон-Япония илмий-ижодий маркази — Маданият карвон саройи биносининг очилиш маросимида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюради.

**“Жаҳон”АА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 1 ноябрдан15 ноябргача бўлган маълумот)***

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 51-сон буйруғи.*

**2002 йил 1 ноябрда 1184-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

2. «Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 52-сон буйруғи.*

**2002 йил 1 ноябрда 1185-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали олиб келинадиган истеъмол товарларининг рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2002 йил 30 октябрдаги 2-5-4/90, 01-02/15-45, 130, ЭГ-в-01/12-4404-сон қарори.*

**2002 йил 1 ноябрда 1175-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Дававианазорат бошлиғининг 2002 йил 4 октябрдаги 128-сон буйруғи.*

**2002 йил 2 ноябрда 1186-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 12 ноябрдан кучга киради).**

5. «Хорижий инвесторлар томонидан улар сотиб оладиган акциялар пакетлари ва объектлар учун ҳақ тўлаш шакллари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги ИУ-01/116-сон қарори.*

**2002 йил 4 ноябрда 1030-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 14 ноябрдан кучга киради).**

6. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига радиоэлектрон воситалари ва юқори частотали қурилмаларни келтириш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 30 октябрдаги 02-8/1411, 01-02/20-37-сон қарори.*

**2002 йил 7 ноябрда 526-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 17 ноябрдан кучга киради).**

7. «Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 21 октябрдаги 86, 119, 01/30-93, 301-сон қарори.*

**2002 йил 11 ноябрда 1187-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 21 ноябрдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 10 сентябрда 368-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2002 йил 1 ноябрдаги 151-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.**

2. «Ўзозиқовқаттаъминот» ДАК томонидан эркин алмаштириладиган валютада импорт қилинган товарларни сотишдан тушган тушумларни конвертация қилиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 30 мартда 1022-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

**Адлия вазирининг 2002 йил 2 ноябрдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.**

***Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши ва (ёки) янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Ўзбекистон Республикаси саноат темир йўл транспортини техник ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўздавтемирйўлназоратнинг буйруғи.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.***

**IV. Давлат рўйхатидан чақириб олинди:**

1. «Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори.*

***Мазкур ҳужжат уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган идора томонидан чақириб олинди. Ҳужжат такроран тақдим этилган ҳолда, уни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи белгиланган тартибда кўрилади.***

**V. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**

1. «Уй-жой ва жамоат биноларини жорий ва тўлиқ таъмирлашда меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи.*

2. «Кўкаламзорлаштириш хўжаликлари ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи.*

3. «Шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш ва санитар тозалаш бўйича меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи.*

4. «Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлар ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарига хулосалар бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг қарори.*

5. «Маълумотлар узатиш тармоқлари, шу жумладан интернет хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғи.*

***Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.***

**VI. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:**

1 «Божхона органлари томонидан товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқлигини таснифлаш тўғрисида дастлабки қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.*

2. «Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори.*

3. «Суғурта агентлари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи* (янги таҳрирда).

4. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг буйруғи.*

5. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори.*

6. «Республика ҳудудидаги локал, идоравий, ҳудудий ҳамда бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини лойиҳалаштириш ва ишга тушириш тартиби тўғрисида низомни (№129:2002) тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи.*

7. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган товарлардан намуна ва нусхалар олиш, уларни божхона лабораторияларида қайд этиш, божхона постига қайтариш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.*

8. «Электр иситиш мақсадларида электр энергиясидан фойдаланишни келишиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг буйруғи.*

9. «Умумий фойдаланишдаги тармоқларда телефон хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи.*

10. «Магистрал нефтузатгичларни техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

11. «Нефть ва нефть-газ конларини ишлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» агентлигининг қарори.*

12. «Олий таълим муассасасининг Васийлар кенгаши тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи.*

13. «Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи.*

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**

